

Закот бермасликнинг жазоси



18:10 / 09.05.2019 2744

...Олтин ва кумушни хазинага босадиган, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга аламли азобни башоратини беравер.

Бир куни ўша (олтин-кумуш) ларни жаҳаннам ўтида қизитилур ва пешоналари, ёнбошлари ҳамда орқаларига босилиб: «Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг!» - дейилур. (Тавба сураси, 34-35- оятлар).

Қуръони каримдан мен сизларга ушбу икки оятни келтиришимдан мақсад, Аллоҳ таоло ўз ўрнида закотни адо қилмаган кишиларга қаттиқ ва аламли азоб беришини айтмоқда. Чунончи, Аллоҳ таоло тилло ва кумушларни йиғиб, уни Аллоҳ йўлида сарфламайдиган одамларга қарата: **(Эй Муҳаммад алайҳиссалом) сиз кўрқинчли азоб хабарини бериб кўйинг, яъни, қайси одамлар пуллари, тилло ва кумушларини**

жамлаб Аллоҳ уларга юклаб қўйган фарзни адо қилмай ва Унинг йўлида сарфламас эканлар, уларга аламли азобни башоратини интизор бўлиб кутишларини айтиб қўйинг, дейилмоқда.

Иккинчи оятда ушбу аламли азобни батафсил баёни айтиб ўтилади. Яъни, ушбу аламли азоб, ўша тилло, кумушни ўтда эритилиб, сўнг одамни пешонаси, унинг ёнбошлари ва орқасига босиладиган кунда бўлишини хабарини бериб қўйинг, дейилмоқда.

«Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг!» - дейилур.

Аллоҳ таоло ҳар бир мусулмон бандани бундай хотимадан ўзи сақласин. Амийн.

Давоми бор...

Шайхул ислом Муҳаммад Тақий Усманий.

Таржимон: Акмал Абдураҳмон.